

TONG YULDUZI

O'zbekiston bolalari va o'smirlarining gazetasi

Gazeta 1929 yil 1 avgustdan chiqa boshlagan

№ 15 (66296)
2001 yil 13 aprel, juma

Sotuvda erkin narhda

BILIMDON ONALAR VA ZUKKO BOLALAR

Мактабимизда турли тadbирлар, байрам ва тантаналар тез-тез ўтка-

рилиш", "Бешқўрғон", "Эркин" ма- халлалари хотин-қизлар кўмиталари- нинг раисалари Гулнора опа Қўрғонова, Тамара опа Мирзаалиева, Ҳикоят опа Гофурова, "Эркин" фуқаро- лар йиғини хотин-қиз- лар кўмитасининг раисаси Саодат опа Қаржовалардан иборат ҳакамлар ҳайъ-

тилишларидан яхши хабардор бўлиб келаётган Рихси опага раҳматлар ай- тишди, гуллар совға қилишди.

Кеча якунида мактабимиз ўқитув- чиси Д.Абдуллаева сўз олиб, бундай тadbирларнинг ижобий самараси, ўқувчилар билимини янада ошири- ши ҳақида гапирдилар. Оналар шеър- ру топишмоқларни бийрон-бийрон айта олган, саволларга ҳозиржавоб ўғил-қизлари билан фахрланишса, болалар ҳам шундай меҳрибон, би- лимдон оналари борлигидан дилла- рида гурур ҳиссини туйиб, кечадан мамнун қайтдилар.

Камола РИХСИЕВА,
Зангиота туманидаги 36-мак- табнинг 10-синф ўқувчиси.
Х.ТОШМУҲАМЕДОВ суратлари.



зиб турилади. Бугун ҳам танта- налар зали байрамона безатил- ди. Кечагина папкаларини базўр кўтариб, гоҳида хурсанд, го- ҳида ҳархаша билан мактабга ке- лаётган кичкинтой ука ва син- гилларимиз саводхонлик бай- рамларини нишонлашга тўплан- дилар. Бу галги "Алифбе" байрами аввалгиларига ўхшамади. "Оналар ва болалар" йилига бағишлаб ўтказил- ган байрам мусобақа ва кўрик-тан- ловлар асосида бўлди. 1-синфнинг аълочи ва жамоатчи ўқувчиларидан Дилором Исломбекова, Муҳайё Эгамбердиева, Нигматилла Раҳма- туллаев, Ирода Азимова, Мухлиса Тўхтамуродовалар ҳамда уларнинг оналари ўзаро беллашдилар. Уларнинг билимларини баҳолаш учун эса "Ку-

ати тузилди. Ирода Азимова ва унинг онаси Рихси Эр- гашевалар билимдону зук- колиқда барча иштирок- чилардан устун эканликла- рини исботлаб, кўрик-тан- ловнинг голиблари деб тан олиндилар. Қизчаси билан бирга 1-синфда қайта "ўқиётган", унинг таълим- тарбиясига безътибор бўлмай, қизиқиш ва ин-



RISHTON MO'JIZASI

Har bir joyning o'z hislati bo'ladi. Vatandoshimiz shox Boburning «Boburnoma» asarida tilga olingan, hamma yerdan obro'-e'tibor qozongan, mehmondo'st, yaratuvchi va ijodkor insonlar yetishib chiqqan manzil-Rishtondir. Kulolchilik san'atida shuhrat qozongan hunarmandlar makoni Rishtonda sopol idishlarni sirlab bezatishning o'ziga xos ajoyib uslublari vujudga kelganki, bundan bir necha asr ilgari yaratilgan kulolchilik mahsulotlaridan ham bilsa bo'ladi. Rishtonlik hunarmandlar o'z ota- bobolarining avloddan avlodga o'tib kelayotgan jozibador kasblarini rivojlantirib, boyitib kelmoqdalar. Kulolchilikning xom ashyosi- tuproq. Uzoqdan keltirilmaydi. Rishton kulolchilik korxonasi atrofida bunday tuproq uyumlari bitmas- tunganmasdir. Mahsulotlarga sir berishda ishlatiladigan loy, mag'il, lojuvard, ishqor singari bo'yoqlarni ham atrofda tog'li tumanlardan keltirib, korxonaning texnologiya-laboratoriyalarida ko'plab ishlab chiqarish mumkin.

Angren tog'larida kaolin uyumlari ko'pligi mutaxassislarga ma'lum, kulolchilikka kaolindan samarali foydalanish yo'llari ham topildi.

Men Rishtonim bilan faxrlanaman, uning dovrug'ini yanada olamga yoysam, deyman.

Karomatxon HUSANBOYEVA,
Farg'ona viloyati, Rishton tumanidagi
58- maktab o'qituvchisi.

TEMUR BOBOMIZNING RUHI SHOD BO'LSIN

Mustaqilligimiz sharofati bilan tariximizni o'rganish, buyuk ajdodlarimizni tanish, ularning tavallud kunlarini nishonlashdek imkoniyatlarga ega bo'ldik. Kuni-kecha buyuk sohibqiron bobomiz Amir Temurning tug'ilgan kunini keng tantana qildik. Tadbirni tashkil qilishimizda sinf rahbarimiz Buxolcha opa Toshbekova va tarix fani o'qituvchimiz Hurmatoy opa Temirovalar bizga yaqindan yordam berdilar. Biz Temur tuzuklaridan, ibratli hikmatlaridan yod oldik. Bobomizning kuchli davlat arbobi, ulug' tarixiy shaxs sifatidagi faoliyatini aks ettiradigan sahna ko'rinishlari ijro etdik.

Biz - bitiruvchilar gimnaziyamizning ilk qaldirg'ochlarimiz. Kechamizda qatnashgan maktabimiz rahbari Ra'no opa Bakirova bizning faolligimiz uka va singillarimizga namuna bo'layotganini mamnuniyat bilan ta'kidladilar.

Maktuba MO'MINOVA,
Andijon viloyati, Qo'rg'ontepa tumanidagi 20-gimnaziya bitiruvchisi.



Har kuni maktabimiz foyesiga kirishim bilan to'g'ridagi suratga ko'zim tushadi, vujudimni hayajon bosadi.

Maktabimizning sobiq o'quvchisi Rahimjon To'laganov yurtdoshlari, ota-onasi, qolaversa, bizning tinchligimizni himoya qila turib qahramonlarcha halok bo'lgan.

Uning suratdagi nigohlariga razm solaman... Bu ko'zlar menga «Faqat o'zing uchun yashayapsanmi? Yaqin birodarlaring, Vatanning uchun qanday yaxshilik qila olasan?... Buning uchun bilim va irodang yetarli mi?», deb savol berayotgandek, dunyoga kelgan har bir inson o'zidan yaxshi nom qoldirishi kerakligini yodimga solayotgandek bo'laveradi.

Har haftaning birinchi kuni maktabimizda yig'ilish bo'ladi. Mudiramiz Gulchehra Karimboyeva vatanparvarlik haqida gapirib, sobiq o'quvchilari bo'lmish Rahimjon To'laganovni bizlarga o'rnatib ko'rsatadilar. Barchamiz undagi vatanparvarlikdan andoza olishga intilamiz.

... Yana xayolga tolaman... Rahimjon To'laganov ham qachonlardir men qadam bosib kelayotgan mana shu maktab ostonasiga qadam qo'ygan. Tanaffusda hovlisiga yugurgan, yo'laklarimizda qadamlarining izi qolgan. Bizga ta'lim berayotgan ustozlarning o'g'itini u ham eshitgan... Shu maktabda o'qiyotganimdan, shunday ustozlarimizdan ta'lim olayotganimdan faxrlanaman.

Dilfuza MAJIDOVA,
Toshkentdagi 154-maktabning
8 - «B» sinf o'quvchisi.

MAKTAB TA'MIRI UCHUN 500 MING SO'M

Maktabimizni ta'lim-tarbiya borasida namunali maktab deb bilishadi. Chindan ham maktabimizda bilimga chanqoq o'quvchilarimiz, talabchan va izlanuvchan o'qituvchilarimiz ko'pchilikni tashkil etadi. Tumanimiz rahbari Ominaxon opa Aliyeva ham maktabimizga tez-tez kelib turadilar. O'qituvchilar bilan hamsuhbat bo'lib, o'quvchilar bilimi, maktab muammolari bilan qiziqadilar.

YAqinda maktabimiz direktori Muhabbat opa Akbarova bizga ajoyib bir xushxabar aytdilar: buyaydalik tadbirkor Ahmadali Boboyev maktabimizga yordam tariqasida 500 ming so'm mablag' ajratibdi. Bu pullarga bahorgi ta'til kunlarida maktabimizni to'la ta'mirdan chiqardik. Ta'tildan qaytgan o'quvchilarni shinamgina maktab yana o'z bag'riga oldi. Biz maktab o'qituvchi va o'quvchilari qalbi sahovatiga ezgulikka to'la bo'lgan tadbirkor Ahmadali akadan cheksiz minnatdormiz. Zero, uningdek sahovatpesha insonlar hamisha elimiz ardog'ida yashaydilar.

Mohiniso DORIPOVA,
Farg'ona viloyati,
Buvayda tumanidagi
39-maktabning til va adabiyot
o'qituvchisi.

IXTIROCHI BOLALAR


Bir necha yildirki Respublika iqtidorli bolalar anjumaniga borganimda Qashqadaryo viloyati G'uzor tumanidagi 77- Jahon tillari litsey-internatidan kelgan o'quvchilarning o'z qo'llari bilan yasagan ixtirolari meni o'ziga jalb etadi.

«Boshlang'ich texnik modellashtirish» shu'basida o'zining «Fotolazer nishoni» nomli texnik modeli bilan qatnashgan tengdoshingiz, 10- sinf o'quvchisi Jonibek Tangmatovning modeli bilan harbiy ta'lim mashg'ulotlarida, mudofaaga ko'maklashuvchi «Vatanparvar» sport tashkilotlarida, harbiy o'quv yurtlarida foydalanish mumkin. Yana bir tomoni «Onalar va bolalar» yilida bolalarga qiziqarli o'yinchoq ham hadya etadi. Chunki bu moslama nur yordamida harakat qiladigan modelga o'rnatilgan.

Yana bir ixtirochimiz Yo'lchi Xo'jamberdiyevning modeli ham ko'pchilikni qiziqtirib qoldi. U issiqlikni nazorat qiladigan «Taraqqiyot» nomli elektron xavfsizlik jihozini yaratdi. Ushbu nazorat qurilmasi sun'iy isitish mabdalari o'rnatiladigan sitrus o'simliklari o'stiriladigan issiq xonalarni, yosh parrandalarni sun'iy o'stirishda, tabiiy gaz plitalari o'chib qolish xavfini kecha-yu kunduz nazorat qiladigan asbob hisoblanadi.

Bu usul fermer xo'jaliklari uchun, shaxsiy xonadon sohiblari uchun arzon, sodda va albatta ishonchli vositadir. U ikki dona batareya bilan ishlaydi. Tarmoqdagi elektr tokiga bog'lanib qolmay ishlaydi.

Ushbu ixtirolar albatta litsey qoshidagi «Boshlang'ich texnik loyihalashtirish» to'garagining rahbari,



Ilhom Rahmonov MUOLAJA

Ilhom Rahmonov Urgut tumanidagi Ispanza qishlog'ida tug'ilgan. Bolaligi tog'lar orasida o'tgan. Tog'da o'sgan bolalar giyohlar bilan sirlashadi, giyohlarning sirlarini besh qo'lday biladilar. Demak, giyohlarning shifobaxsh xususiyatlari ularga avval-boshdan ma'lum bo'ladi. Ayni zamonda tog'da o'sgan bolalar avval boshdan go'zallikka shaydo bo'ladilar. Ehtimol, shu bois: «Iqtidorli ijodkorlar tog'larda yoki azim daryolarning bo'ylarida, yohud katta shaharlarda tug'iladi», deydi. Anglashilyaptiki, tog'da kamol topgan bolalar «kim bo'lsam ekan?» degan mavzuida insho yozsalar bormi, goh shoir bo'lishni, gohida tabib bo'lishni orzu qiladilar... Ilhomjon ham maktabni bitirayotgan paytida ko'p ikkilanadi: yuragi «shoir bo'lasan!» derdi, aql-idroki esa: «Yo'q, tabib bo'lasan!» deb qistalang qilardi. Ilhomjon o'ylab-o'ylab Tibbiyot oliygohida tahsil ko'rishni lozim topdi, lekin kechalari qalam tebratishni ham unutmadi. Hozir u Samarqand shahridagi Tibbiyot oliygohining talabasi. Boz ustiga, ko'pdan beri she'r mashq qiladi.

Quyida Ilhomjonning mashqlaridan namunalar e'lon qilinayotir.

fizika fani o'qituvchisi A'zamxon Muhammadiyevning boshchiligida amalga oshiriladi. A'zamxon akaning aytishlaricha, ularning shogirdlari Azamat Qiyomov Ulug'bek mukofoti sohibi bo'lgan. Yo'lchi Xo'jamberdiyev esa ikkinchi bor o'z ixtirolari bilan qatnashib, yaxshi natijalarga erishayapti. Bundan tashqari Asadulla Mirzayev, Husniddin Amirqulov, Shavkat Mahmudov, G'ulom Qahhorov, Jonibek Tangmatovlar Respublika anjumanlarida ishtirok etib, ko'p yutuqlarga erishganlar.

3-CHORAK G'OLIBI - NODIRA:

- Bizning 1- iqtidorli bolalar maktab- internati 1993 yili tashkil etilgan,- deydi **Farg'ona viloyati, Uchko'priq tumanidagi 1-iqtidorli bolalar internatining 7-sinf o'quvchisi Nodira Hamidova.** - Unga tumandagi eng iqtidorli o'quvchilar test sinovlari asosida qabul qilinadi. Maktabimiz lotin grafikasi bilan chuqurlashtirilgan programma asosida o'qitiladi. Barcha o'qituvchilar oliy malakali.

Maktab-internatimizda yotoqxona, oshxona, sport zali va yigirmaga yaqin kompyuterlar bilan jihozlangan.

Maktabimizning o'z hisob raqami bo'lib, unga budjetdan pul ajratiladi. Bundan tashqari, jamoa xo'jaligidan yer olib, dehqonchilik qilinadi. Undan tushgan qo'shimcha mablag' maktab hisob raqamiga o'tkaziladi.

Ushbu mablag' biz bolalarning yaxshi o'qishimiz uchun, kerakli shart-

sharoitimiz uchun ajratiladi.

Shunday yetarli sharoitlar yaratib berayotgan maktabimiz rahbari Moharamoy Oripova bizlarga o'zlarining onalik mehrlarini ayamaydilar.

Biz o'quvchilar bu kabi yaxshi ishlarga javoban faqat va faqat a'lo o'qishimiz, namunali bola bo'lishimiz uchun harakat qilamiz. Maktabimdagi ko'plab aka-opalarim tuman, viloyat, respublika olimpiadalarining g'oliblari bo'lishgan. Biz ham ulardan o'rnak olib, bilim olish uchun tinimsiz izlanamiz, intilamiz. Shaxsan men fanlarni reyting usulida baholashda uchinchi chorak yakuniga ko'ra g'olib bo'ldim. Va bu g'oliblik menga yanada o'z ustimda ishlashga turtki bo'ldi.

KASHTACHI LOBAR:

- Biz olti yildirki ko'rik-tanlovga kashtachilik shu'basi bo'yicha qatnashamiz. Men kashtachilik sirlarini ustozim Haqiqat opa Salomovadan o'rganib kelayapman. Opamiz bizga hunar o'rgatishda o'zlarining shirin so'zlarini ayamasalar, fan o'qituvchilarimiz bilim berishda sira charchamaydilar. Masalan, Robiya opa Oripova, Nurmuhammad Hamidov, Jabbor aka Fattoyev kabi jonkuyar, talabchan o'qituvchilarimiz juda ko'p. Men mana shunday ustozlarimdan saboq olayotganimdan faxrlanaman. Biz uchun hamma sharoitlarni muhayyo qilgan ustozlarimga minnatdorchiilik bildiraman,- deydi **Surxondaryo**



viloyati, Sariosiyo tumanidagi 9- maktabning 10- sinf o'quvchisi **Lobar ALIYEVA.**

QIZIQISH USTUN KELAYAPTI

- Yosh sayyohlar va o'lkashunoslar markazi qoshida tashkil etilgan «Badiiy to'qish» to'garagiga ikki yildan beri qatnashib kelaman. Bu to'garakka Feruza opa Sultonova boshchilik qiladilar. Opamiz bizga ko'p yaxshi narsalarni va albatta to'qish sirlarini qunt bilan o'rgatadilar. Ulardan o'rganganimizni to'garakka yangi kelgan singillarimizga o'rgatamiz. O'rgatish mobaynida o'zimiz ham yaxshilab o'rganib boramiz.

Hunar o'rganish yaxshiku-ya, biroq... ayrim muammolar ham kelib chiqayapti. To'garagimizda to'qish mahsulotlarini o'zimiz sotib olamiz. Bu esa ayrim o'quvchilarda qiyinchilik tug'dirayapti. Shunga qaramay to'qish mashg'ulotlariga keluvchi o'quvchilarning cheki yo'q.

Qashqadaryo viloyati, Kitob tumanidagi 3- maktabning 9- sinf o'quvchisi- **Nilufar RAJABOV**ning so'zidan:

Feruza ODILOVA yozib oldi.

Ukama gazeti

DARMONLARING BOR

Yurtim, qutlug' bo'lsin, dostonlaring bor,
Eram bog'i kabi bo'stonlaring bor.
Tarixda o'z o'rnini, o'zbek noming bor,
Temurdek zabardast mard o'g'loning bor.

Koinot ilmining ulug' siyosini,
Ulug'bekdek donish olimlaring bor.
She'riyat mulkingning sohibqironi,
Hazrat Navoiydan ta'limlaring bor.

Mehnatkash, azamat, qudrati baland,
Kaftda gul undirgan dehqonlaring bor.
Yuzidan doimo nur yog'ilguvchi,
Nuroniy otaxon - bog'bonlaring bor.

Millatning g'ururi, armoni bo'lgan,
Manguberdi kabi sarbonlaring bor.
Shoh Mashrab, Shiroq va To'marislarning
Jarohatin bitirar darmonlaring bor.

Buyuk, istiqloling muborak bo'lsin,
Yuz yilga barobar o'nliklaring bor.
Sahovat, siylovni she'rga solguvchi,
Haqiqatni topgan sha'n ilhomlaring bor...

TETIKLIK

Burgutning qanoti shikast topsa gar,
Charx urib samoda parvoz etolmas.
Insonning qanoti - tetik qalbidir,
Ruhi siniqlar hech ko'kka yetolmas.

Ertangi kuningni o'ylagan, do'stim,
Hayot mangu emas, ayon haqiqat.
Mansabu boylikka erishgan chog'ing,
Eski chorig'ingni unutma faqat.



UKAJONIMDAN GINAM YO'Q

Bolalikda sodir bo'lgan voqealarni eslaganda ularni yana boshdan kechirayotgandek bo'laman. Eslab olgach, bu voqealarga o'zimning munosabatimni bildiraman. Lekin bu oldingi voqea kabi bolalarga xos emas, endigi yoshimga munosib tarzda bildirilgan bo'ladi. Quyida bolaligimni bezab turuvchi voqealardan birini bayon qilmoqchiman.

Endigina birinchi sinfga chiqqanman. Ko'pincha maktabdan kelganimda oyim chaqaloq ukamni uxlatib, tushlikka taom tayyorlayotgan bo'ladilar. Shunday kunlarning birida uyga kelsam, oyim tushlikka tayyorgarlik boshlab, ukam uxlamagan uchun ishlarini hali tugatmagan ekanlar. Uyda dastyorlardan faqat men borligim uchun oyimga dedim:

- Ukama men qarayman. Sizga halaqit bermaymiz.

Oyim albatta xursand bo'lib, oshxonaga yo'l oldilar.

Ukamni dadam tayyorlab bergan qo'lbola belanchakka yotqizib, tebrata boshladim. Alla aytishni ham o'rganib olganman. Undagi «bolam» so'zlarini «ukam»ga almashtirib, tezroq uxlatishga harakat qildim. U esa ko'zini yummay, menga o'zicha nimalarnidir aytmoqchi bo'ladi.

Balki oyimga o'xshab, oyoqli belanchakka yotqizib ko'rsam-chi? Yerga oyog'imni uzatib o'tirdim va oyog'imga yostiqni qo'ydim. Unga ukamni yotqizib, qo'lim bilan yostiqni ushlab, oyog'imni bor kuchim bilan qimirlatdim. Kuchim bor-yo'g'i uch marotaba qimirlatishga yetdi. Avvaliga yig'ini boshlagan ukam keyin tinchib qolgandi. Men to'xtagach, yana yig'lashni boshladi. U ham ayyor. Oyimga bergan va'damni bajarish uchun uni qo'limga oldim va xonani aylandim. Uxlash qayoqda? Shuncha uxlatish usullarini qo'lladim-ku, ukam bo'lsa...

Shunda oyim oshxonadan keldilar va uni qo'llariga olib:

- Rahmat qizim, endi ukangga o'zim qarayman. Tushlikni tayyorlab qo'ydim yeb ola qol, - dedilar.

Endigina ovqatning yarmini yeb bo'lgandim, oyim ukamning uxlab qolganini aytdilar.

Men shuncha harakat qilsam ham uxlatolmadim, oyijonim ukamni qo'llariga olishlari bilan, u uxlab qolibdi-ya. Keyin o'ylab ko'rsam, o'zim ham opam emas, oyijonim boshimni silab ertak aytib bersalargina uxlar ekanman. Ukamdan gina qilishga hojat yo'q.

Munira ROZIQOVA,

Alisher Navoiy nomidagi

Respublika Nafis san'at litseyining o'quvchisi.

«ИҚТИСОДИЁТДАҲ САБОҚЛАР» СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ 2000-2001 ЎҚУВ ЎЗИЛИ МАВСУМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республикамиз бозор иқтисодиёти томон шахдам одимлар билан бораётган бир пайтда аҳолининг иқтисодий саводхонлиги ва янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришга бўлган эҳтиёж тобора долзарб бўлиб бормоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 2001-2005 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичида кўзда тутилган режалар, иқтисодий таълимнинг сифат ва мазмун жиҳатидан янги даражага кўтариш вазифасини келтириб чиқаради.

Худди шу вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, «Тонг юлдузи» газетаси, «Камолот» ижтимоий ҳаракатининг «Ёшлар муаммолари» институти, лойиҳа муаллифлари — фан номзодлари Эргашовой Сарикова ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, «Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурсининг

2000-2001 ўқув йили янги мавсумини эълон қилди. Конкурс март-май ойлари давомида бўлиб ўтмоқда. Ҳар ҳафтада «Тонг юлдузи» газетасининг ҳар бир сонидида конкурс топшириқлари ва бу топшириқларни бажариш учун зарур бўладиган назарий материаллар бериб берилмоқда.

«Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурси учинчи бор ўтказилмоқда. Конкурс ташкилотчилари ўтган йилги тажрибалардан келиб чиқиб, «Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурси билан бир қаторда яна икки йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказишга қарор қилдилар:

I йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси.

II йўналиш: Энг яхши бизнес режа лойиҳаси конкурси.

«Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурсининг ўзагини газетада бериб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги конкурс ташкил қилади. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини бажариб боришлари лозим. Кичик конкурсларга оид жавоб материалларини якуновчи босқичга март -

апрел ойлари давомида газета номига юборишингиз лозим бўлади.

Энг яхши деб топилган ишлар газета саҳифаларида ёритиб борилади.

«Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурси оид дарс материаллари ва топшириқлари ҳар ҳафта газета орқали бериб борилади. Сиз дарс материалларини ўрганиб чиқиб, топшириқларни бажариб, жавоб йўллашингиз зарур бўлади. Топшириқ шартларини газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксе-

Ўзбекистон Республикаси

мустақиллигининг

10 йиллигига бағишланади

роксда нусха олиб, тўлдириб жўнатишингиз мумкин. Шунингдек, топшириқни бевосита газетадан қирқиб олиб, тўлдириб йўллашингиз ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2001 йил май ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромгоҳларнинг бирида бир неча кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда. Якуновчи босқич олдинги йиллардагидан фарқ қилади. Бу йилги конкурснинг якуновчи босқичига энг зукко ўқувчилар таклиф қилинади. Бу йил ҳам сизларни ҳомийларимизнинг телевизор, магнитофон, аудиоплеер, компьютер ўйинлари, ўқув қўлланмалари ва иқтисодиётга оид китоблар тўплами каби қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

Кўрик-танлов материалларини газетамиз таҳририятга йўллашингизни сўраймиз. Манзил: 700011, Тошкент, Навоий кўчаси 30, «Тонг юлдузи» газетаси, «Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурси.

Диққат, конкурс!

ФИРМАНING САРФ ҲАРАЖАТЛАРИ

10-дарс

Келинг, «Оқ сарой» фирмасининг кейинги фаолиятини яна кузатайлик. Эътибор берган бўлсангиз, келтирилган бошланғич ҳаражатлар жадвалида ҳамма ҳаражатлар кўрсатилгани йўқ. Хом-ашё, бор йўғи бир ҳафтага етади. Хўш, бошқа ҳаражатлар ва кейинги давр учун хом-ашёлар сотиб олин қайси маблағ ҳисобига бажарилади? Ҳа,

албатта, ишлаб чиқарилаётган чипсларни ой давомида ҳар кун сотишдан тушган пуллар ҳисобидан, кейинги ҳафта учун хом-ашёлар сотиб олинади. Бошқа яна бир қатор ҳаражат турлари борки, улар одатда ой охирида,

ойма-ой тўланиб борилади. Бу ҳаражат турлари ва бир ойлик хом-ашёни ҳисобга олсак, бир ойлик сарф ҳаражатлар жадвали қуйидаги кўринишга келади (4-жадвалга қаралсин).

Жадвалнинг охириги сатрига эътибор берган бўлсангиз, амортизация деган сўзга кўзингиз тушгандир. Хўш, амортизация нима?

Маълумки, сотиб олинган асбоб-ускуналар маълум муддат давомида ишлатишга мўлжалланган бўлиб, вақт ўтиши билан улар эскириб боради. Ўзининг янги пайтидаги нархини - қийматини йўқотиб боради. Хўш, нархдаги бу йўқотиш қаерга кетади ва қандай аниқланади? Маълумки, асбоб-ускуна ва бинолар ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ишлатилади. Бу жараёнда нархларнинг бир қисми ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархига ўтиб боради. Худди мана шу қисми **амортизация ажратмаси**, деб аталади. Амортизация ажратмаси қуйидаги йўл билан ҳисобланади.

Аввалига асбоб-усқунанинг бошлан-

ғич баҳоси, унинг йилларда ҳисобланган ишлаш муддатига бўлиниб, бир йиллик амортизация ажратмаси топилади. Одатда асбоб-усқуналарнинг ишлаш муддати 7 йил, биноларники эса 20 йил, деб қабул қилинади. Бизнинг ҳолда, йиллик амортизация ажратмаси -

$$126000 : 7 = 18000 \text{ сўм.}$$

Бир ойлик амортизация ажратмасини топиш учун йиллик амортизация миқдори 12 ойга бўлиб топилади. Биринчи ҳолда кичик цехнинг бир ойлик амортизация ажратмаси -

$$18000 : 12 \approx 1500$$

сўмни ташкил қилади. Демак, ҳар ойда кичик цех нархи 1500 сўмга камайиб, бу пул ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархига ўтиб бора экан. Одатда амортизация ажратмаси ойма-ой йиғиб, жамғарилиб борилади. Асбоб-усқунадан фойдаланиш муддати тугаган чоғда, усқунанинг бошланғич нархига тенг бўлган пул маблағи жамғарилади ва бу пулга фирманинг янги асбоб-усқуна сотиб олиш имконияти туғилади. Фирмада шу тариқа асбоб-усқуналар янгиланиб борилади.

4-жадвал

№	Бир ойлик сарф ҳаражатлар турлари	Ҳаражат миқдори (сўмда)
	Хом-ашё:	
	а) картошка,	100000
	б) ўсимлик ёғи,	18000
	в) қадоқлаш материали,	60000
	г) туз.	1000
	Иш ҳақи,	34000
	Бинонинг ижара ҳақи,	16000
	Электр энергия,	13000
	Сув,	1000
	Транспорт ҳаражатлари,	16000
	Газ,	16000
	Кутилмаган ҳаражатлар,	21500
	Банк кредит фоизи,	2000
	Амортизация.	1500
	Жами:	300000

ФИРМАДА ҲИСОБ-КИТОБ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ

11-дарс

Фирмада ҳисоб-китоб ишларини фирма ҳисобчиси (бухгалтери) олиб боради.

Фирманing маблағлари турли хил кўринишларда бўлади. Эсингизда бўлса, «Оқ сарой» фирмасининг дастлаб фақатгина 320000 сўм миқдорига пул маблағлари бўлиб, унинг 220000 сўми фирманing ўз маблағлари, 100000 сўми эса, банкдан олинган қарз эди. Фирма бу маблағнинг 126000 сўмига кичик цех сотиб олди. Фирманing 126000 сўмлик пул маблағи асосий восита кўришидаги маблағга айланди. Бу билан фирманing пул маблағлари 126000 сўмга камайиб, 126 минг сўмлик **асосий воситалар кўринишдаги маблағи** пайдо бўлди.

Фирманing банкда сақланаётган пул маблағларининг 189000 сўмига хом-ашё сотиб олинади. У доимо фирманing бир эшигидан хом-ашё сифатида кириб, иккинчи эшигидан тайёр маҳсулот кўринишида чиқиб кетади ва сотилгандан сўнг яна пулга айланади. Фирманing бундай маблағларига **айланма маблағлар** деб айтилади. Шу тариқа фирманing маблағлари бир турдан иккинчи турга айланиб туради. Бу ўзгаришларни фирма ҳисобчиси (бухгалтери) қайд қилиб, фирманing бухгалтерия ҳисобини олиб боради. Бундай ўзгаришлар маълум даврга тузиладиган **бухгалтерия баланси** деб аталмиш ҳужжатда ўз ифодасини топади.

Бухгалтерия баланси жадвал кўришидаги молиявий ҳужжат бўлиб, у актив ва пассив деб аталувчи икки бўлимдан иборат.

Бухгалтерия балансининг ўнг қисми,

яъни актив бўлимида фирма маблағларининг тақсимоли, бу маблағларнинг нималарга ишлатилгани акс эттирилади. Чап томони, яъни пассив бўлимида эса фирма пул маблағларининг манбалари қаердан олинганлиги акс эттирилади. Маълумки, бу икки бўлим бўйича жами пул маблағларининг миқдори ўза-

ро тенг бўлади. Шу сабабдан ҳам бу ҳужжат номи «баланс», яъни мувозанат деб номланади.

«Оқ сарой» фирмаси банкда ҳисоб-рақами очиб, бошланғич маблағ ёки капитал қўйиб, банкдан кредит олгандан кейинги пайтдаги баланси қуйидагича бўлади.

«Оқ сарой» фирмасининг бухгалтерия баланси

Актив	Маблағ миқдори (сўмда)	Пассив	Маблағ миқдори (сўмда)
Ҳисоб рақамдаги пул маблағлари	320000	Бошланғич капитал	220000
		Банк кредити	100000
Жами:	320000	Жами:	320000

Фирманing дастлабки ҳаражатларидан кейинги даврдаги бухгалтерия баланси қуйидагича бўлади.

«Оқ сарой» фирмасининг бухгалтерия баланси

Актив	Маблағ миқдори (сўмда)	Пассив	Маблағ миқдори (сўмда)
Асосий восита	126000	Бошланғич капитал	220000
Хом-ашё	189000	Банк кредити	100000
Ҳисоб рақамдаги пул маблағи	5000		
Жами:	320000	Жами:	320000

Шу тариқа, фирма маблағлари таркибидидаги ўзгаришлар бухгалтерия балансида ўз аксини топиб боради. Фирмада бухгалтерия ҳисобини олиб бориш ҳамма учун мажбурийдир. Бухгалтерия баланси ва бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари фирма фаолиятининг молиявий томонларини тўла акс эттиради. Улар асосида фирма фаолияти кузатиб борилади, таҳлил қилинади, бошқарилади, тегишли ўзгаришлар қилинади.

ГАЗЕТАНИ ҚИРҚМАНГ

Мен ва дўстларим «Тонг юлдузи» газетасида эълон қилинган «Иқтисод сабоқлари» танловидан мунтазам қатнашиб келмоқдамиз. Гарчи газетада тайёр бланкалар берилаётган бўлса-да, устозимиз бизга: «газетани қирқманглар, яхшиси ўзингиз янги бланка чизиб, ўшанга жавобингизни белгиланглар» дедилар. Ҳақиқатан ҳам тўғри. Газетани биздан кейин укаларимиз ҳам ўқишадими-ку. Иқтисод сабоқлари нафақат менга, балки уларга ҳам қизиқарли. Бошқа ўқувчиларга ҳам шуни маслаҳат берардим. Газетанинг ҳар бир сонини тўплаб юришсин. Шундай қилиб, ундаги ҳар бир дарс ва топшириқларни ўз вақтида бажариб, газетага йўллаяпмиз. Насиб қилса, голибликни қўлга киритмоқчимиз.

Жавлон ЖУМАНОВ,
Самарқанд вилояти, Пахтачи туманидаги 15-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

12-дарс

ФИРМА ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Келинг, «Оқ сарой» фирмаси мисолида, унинг фаолияти қанчалик самарали бўлганлигини таҳлил қилиб кўрайлик.

Айталик, «Оқ сарой» фирмаси бизнес режада кўзда тутилгандек, бир ойда жами 300000 сўмлик ҳаражат қилиб, полиэтилен қопчаларга қадоқланган 25000 дона чипс маҳсулотини ишлаб чиқарган бўлсин. Бир дона чипс учун сарфланган ҳаражат миқдори, яъни бир дона чипснинг таннархи қанча эканлигини аниқлайлик:

300000 сўм : 25000 дона = 12 сўм.
 Демак, бир дона чипс «Оқ сарой» фирмаси учун 12 сўмга тушибди. Уни фирма 15 сўмдан сота бошлади ва бир ой давомида
 25000 дона ЧЧ 15 сўм = 375000 сўм даромад қилди.
 У ҳолда, фирманинг бир ой давомида

да фойдаси
 375000 сўм - 300000 сўм = 75000 сўмни ташкил қилган бўлади.

Давлат ўз эҳтиёжларини қондириш учун, фирма ва аҳолига кўрсатган хизматлари учун солиқлар кўринишида ҳақ олади.

Фирма фойдасидан солиқлар айрилиб ташланса, фирманинг соф фойдаси ҳосил бўлади.

Ўтган ойда «Оқ сарой» фирмаси 30000 сўм ҳажмда солиқ тўлади. Демак, «Оқ сарой» фирмасининг бу ойдаги соф фойдаси

75000 - 30000 = 45000 сўмни ташкил қилар экан.
 Фирма фаолиятини қандай баҳолаш мумкин? Бошқа фирмалар фаолияти

натijasи билан қандай солиштириш мумкин?, деган саволлар тутилиши табиий.

Бу саволга фирма фаолиятининг рентабеллиги тушунчаси жавоб беради.

Фирманинг маълум давр давомидаги фаолиятининг рентабеллиги деб, унинг бу даврда олган фойда миқдорининг, шу даврда сарфланган жами ҳаражатларга нисбатига айтилади.

«Оқ сарой» фирманинг бу ойдаги рентабеллиги

$$\frac{75000}{300000} = 0,25 \text{ га ёки } 25\% \text{ га тенг бўлади.}$$

Одатда рентабеллик фоизларда кўрсатилади. Корхона фаолиятининг рентабеллик кўрсаткичи 25% га тенг бўлиши яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Фирманинг маълум муддатдаги иқтисодий фаолияти натижалари, фирманинг фойда ва зарари ҳақидаги ҳисоботида ўз аксини топади. Қуйида «Оқ сарой» фирмасининг ҳисоботи келтирилган:

«Оқ сарой» фирмасининг бир ой давомидаги фойда ва зарарлари ҳақида ҳисобот (сўмда)

1. Фирманинг ойлик даромади - 375000
2. Фирманинг ойлик сарф-ҳаражатлари - 300000
3. Фирманинг ойлик фойдаси - 75000
4. Солиқлар - 30000
5. Фирманинг соф фойдаси - 40000

13-дарс

ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

Олдинги бобларда таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг тутган мавқеи борган сари ошиб бормоқда. Буни ривожланган давлатлар мисолида ҳам кўриб турибмиз.

Хўш, бунинг асосий сабаблари нимада?

Маълумки, давлат иқтисодиётнинг шунчаки кузатувчи сифатидаги иштирокчиси бўлиб қолмасдан, унинг ўзи ҳам иқтисодиёт билан шуғулланади. Бутун давлатга, миллатга хос бўлган манфаатларни кўзлайди. Шу жиҳатлари билан давлат иқтисодиётининг, бозорнинг фаол қатнашчисига айланади. Қуйидаги 5 - расмда давлатнинг, бозорнинг бошқа иштирокчилари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар билан бўлган, иқтисодий алоқаларини кузатиб, унинг иқтисодиётда тутган ўрнини тушуниб олиш мумкин.

Давлат, табиий ресурслар эгаси сифатида ишлаб чиқарувчиларига уларни сотади. Давлат ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарувчилардан товар ва хизматлар, аҳолидан эса меҳнат ресурслари, ишчи кучи сотиб олади. Ўз навбатида уларга ўз хизматларини таклиф қилади.

Бу хизматлар соғлиқни сақлаш, фан ва маориф, табиатни муҳофаза қилиш, транспорт йўл хўжалиги, ижтимоий ҳимоя, муҳофаза ва бошқа бир қанча соҳалар бўйича амалга оширилади. Кўрсатилган хизматлар учун давлат ишлаб чиқарувчилар ва аҳолидан турли хил солиқлар кўринишида ҳақ олади.



5-расм.

Давлат ишлаб чиқарувчи корхоналардан фойда солиғи, қўшимча қиймат солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, деб аталадиган қатор солиқлар, аҳолидан эса даромад солиғи, мулк солиғи, деб аталадиган солиқларни ундиради.

Давлатнинг иқтисодиётдаги ишгиروي юқорида айтилганлар билан чегараланиб қолмасдан, давлат энг аввало иқтисодиётни тартибга олиб турувчи куч сифатида фаолият кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида, умумдавлат, умуммиллат ва умумиқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, бозор тизимини, тадбиркорликни ҳимоя қилади, рақобат ва эркин иқтисодий фаолият учун кенг йўл очиб беради, монополияга қарши курашади, пулнинг қадрсизлашишининг олдини олади. Шулар билан бир қаторда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилади, даромадларни қайта тақсимлашда қатнашиб, ижтимоий тенгсизликни чеклаб туради, ишсизликнинг олдини олади, жамиятда барқарорликни таъминлаб туради.

Шундай бўлса-да, давлатнинг ҳаддан ташқари иқтисодиётга аралашуви яхши оқибатларга олиб келмайди. Турли мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашув миёри турличадир.

Мамлакатимиз ҳозирда бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидан бормоқда. Бундай шароитда ҳам давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни бекиёсдир. Президентимиз И. А. Каримовнинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойиллардан бири, давлатни бош ислоҳотчи этиб тан олинганлиги ҳам бежиз эмас.

14-дарс

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Сиз 5-синфда оила бюджети ҳақида батафсил тушунчага эга бўлган эдингиз. Оила бюджети маълум муддат давомидаги оиланинг даромадлари ва ҳаражатларини акс эттирувчи жадалдан иборат эканлиги ёдингизда бўлса керак. Худди шунингдек, корхона ёки фирма фаолиятининг маълум даврдаги даромадлари ва ҳаражатлари бухгалтерия балансида қайд қилинишини олдинги бобда кўриб ўтган эдик.

Оила бюджети, фирманинг бухгалтерия баланси каби давлат миқёсидаги даромадлар ва ҳаражатлар давлат бюджетиде ўз аксини топади. Давлат бюджети одатда бир йилга, ярим йилга, чорак йилга ва бир ой муддатта тузилиши мумкин.

Давлат бюджетиде маълум муддат ичида, давлатнинг даромад манбалари ва уларнинг сарфланиши, яъни тақсими, қайси соҳаларда қандай миқдорда ишлатилиши акс эттирилади. Давлат бюджети даромад ва ҳаражат қисмлардан иборат бўлади.

Давлат бюджетининг даромад қисмида, давлат даромадининг манбалари кўрсатилади. Давлат бюджетининг даромад қисми манбаларига турли хил солиқлардан, ташқи иқтисодий фаолиятдан, давлат мулкин сотишдан тушган пул тушумлари, аҳолидан, давлат томонидан олинган қарзлар ва бошқа турли кўринишдаги давлат йиғимлари киради.

Давлат бюджетининг ҳаражат қис-

мига ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя ва таъминот соҳаси, фан ва маориф, соғлиқ-

момадли бюджет деб аташади. Давлат бюджетини тузишдан асосий мақсад молиявий ресурсларни оқило-

Давлат бюджети ҳаражат қисмининг таркиби

	1996 йил		1997 йил	
	млрд. сўм	ЯИМга нисбатан %	млрд. сўм	ЯИМга нисбатан %
Ҳаражатлар ҳаммаси шундан:	203,3	36,4	317,8	32,2
ижтимоий-маданий тадбирларга	70,1	12,5	122,7	12,4
ҳалқ хўжалигига	35,3	6,3	46,2	4,7
марказлашган инвестицияларга	40,2	7,2	67,5	6,8
давлат бошқарувиға	5,3	0,9	7,4	0,7

ни сақлаш тизими, маданий соҳа тизими, миллий муҳофаза, давлат ташкилотларининг фаолиятини таъминлаш, ташқи иқтисодий алоқалар, табиатни муҳофаза қилиш тизими учун ажратилган маблағлар киради.

Одатда, давлат бюджетининг даромад ва ҳаражат қисмлари ўзаро мувозанатда бўлмайди. Кўпинча, даромадга қараганда ҳаражат кўпроқ бўлади.

Давлат ҳаражатлари ва даромадлари орасидаги фарқни бюджет камомати (дефицити), бундай бюджетни эса, ка-

Давлат бюджети даромад қисмининг бажарилиши

	1996 йил		1997 йил	
	млрд. сўм	ЯИМга нисбатан %	млрд. сўм	ЯИМга нисбатан %
Даромадлар ҳаммаси шундан:	192,6	34,5	294	29,8
Юридик шахслар фойдасидан ундирилган солиқ	49,5	8,9	69,6	7
Аҳолидан даромад солиғи	19,8	3,5	36,4	3,9
Қўшимча қиймат солиғи	34	6,1	71,2	7,2
Акцизлар	38,4	6,9	41,5	4,2

на тақсимлаш ёрдамида, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдан иборат.

Давлат бюджети таҳлил қилинганда, қанча маблағ қаердан келаяпти ва қайси соҳаларга йўналтирилаяпти, деган саволларга жавоб топилади. Давлат, бозор иқтисодиёти шароитида, бюджет ёрдамида иқтисодиётга сезиларли таъсир кўрсатиб, бир йиллик иқтисодий ривожланишни режалаштиради ва баҳолайди. Йил охирида, бюджетда режалаштирилган ва амалда эришилган натижаларни солиштириб, кейинги йил бюджетига ўзгартишлар киритади, мамлакатнинг келгусидаги иқтисодий истиқболларини белгилаб беради.

Қуйида Ўзбекистон Республикасининг 1996-1997 йилга мўлжалланган давлат бюджетини илова қиламиз.

1. Қўлланмада келтирилган жадвалдаги кутулмаган ҳаражатларга нималар кириши мумкин?

Жавоб: _____

2. Шу жадвалдаги банк кредит фойзи 2000 сўм бўлишини ҳисоблаб кўрсатинг.

Жавоб: _____

ФИРМАНИНГ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ ДАРСИ ЮЗАСИДАН САВОЛ ВА ТОПШИРИЛЛАР

3. Қуйдагиларга ўз муносабатингни билдириш. Тўғриси «+», нотўғриси «-» ишораларини мос каталарга қўйинг.

Жадвалдаги

1. Иш ҳақи учун ҳаражатлар ойдан-ойга ўзгармайди.

2. Амортизация ҳаражатлари ойдан-ойга ўзгармайди.

3. Электр энергия учун ҳаражат ойдан-ойга ўзгармайди.

4. Бинонинг ижара ҳақи ойдан-ойга ўзгармайди.

4. Нотўғриси топинг.

Фирма сарф ҳаражатларининг миқдорига

- A) фирманинг фойдаланиш ўрни
- B) хом-ашёларнинг қаердан олиниши
- C) йил фаслининг ўзгариши
- D) банкнинг қаерда жойлашиши таъсир қилади.

5. 1. Амортизация ажратмаси нима?

Жавоб: _____

2. У қандай мақсад учун тўпланади?

Жавоб: _____

6. Фирма сарф ҳаражатларининг ўзгаришига таъсир қиладиган ташқи омилларни сананг.

Жавоб: _____

10-топшириқ

7. Қуйдагиларга ўз муносабатингни билдириш. Тўғриси «Р», нотўғриси «Е» ҳарфларини мос каталарга ёзинг.

1. Ижарага олинган бинога амортизация ажратмаси бўлинмайди.

2. Ҳаражатлар ортганда даромад ҳам ортади.

8. Дилшоджон чипс эмас, музқаймоқ тайёрлаб сотадиган фирма очмоқчи бўлса, уни қандай амалга оширса бўлади? Қандай сарф ҳаражатлар қилишга тўғри келади?

Жавоб: _____

1. Бухгалтерия балансининг актив қисмида нималар акс эттирилади?

Жавоб: _____

ФИРМАДА ҲИСОБ-КИТОБ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ДАРСИ ЮЗАСИДАН САВОЛЛАР

2. Қуйдаги бухгалтерия баланси тўғри тузилганми? Агар хато тузилган бўлса, хатоси нимадан иборат?

Актив	Маблағ миқдори (сўмда)	Пассив	Маблағ миқдори (сўмда)
Асосий восита	150000	Бошланғич капитал	350000
Хом-ашё	200000	Ҳисоб рақамдаги пул маблағи	150000
Ҳисоб рақамдаги пул маблағи	150000		
Жами:	500000	Жами:	500000

3. «Оқ сарой» фирмаси бир ой давомида 180000 сўмлик хом ашёни ишлаб, 400000 сўм даромад қилган бўлсин. Шунингдек, олдинги параграфдаги жадвалда тасвирлаган ҳаражат сарфлаган бўлсин. Шу вазиятда фирманинг дастлабки ҳаражатлардан кейинги даврда тузилган бухгалтерия баланси қандай ўзгаради. Янги бухгалтерия баланси тузилсин.

5. Бухгалтерия балансининг пассив қисмида нималар акс эттирилади?

Жавоб: _____

11-топшириқ

4. Қуйдагиларга ўз муносабатингни билдириш. Тўғриси «Р», нотўғриси «Е» ҳарфларини мос каталарга ёзинг.

1. Фирма киритган фойда бухгалтерия балансининг пассив қисмида акс эттирилган.

2. Амортизация учун ажратилган пуллар бухгалтерия Балансининг актив қисмида акс эттирилади.

3. Фирма кассасидаги пуллар бухгалтерия балансининг пассив қисмида акс эттирилади.

6. Тўғриси топинг.

A) Бухгалтерия баланси бир йилда бир марта ҳисобот учун тузилади.

B) Бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги жами пул маблағлари актив қисмидаги жами пул маблағларидан кўп бўлади.

C) Фирманинг маблағлари бир турдан иккинчи турга ўзгариб туради.

7. Қуйдаги бухгалтерия балансининг хатоларини тўғриланг.

Актив	Маблағ миқдори (сўмда)	Пассив	Маблағ миқдори (сўмда)
Асосий восита	130000	Хом ашё	190000
Бошланғич капитал	150000	Фирма кассасидаги пул	30000
Ҳисоб рақамдаги пул	50000	Банк кредити	250000
Жами:	330000	Жами:	470000

Жавоб: _____

8. Агар фирма банкдан яна 100000 сўм кредит олиб, 120000 сўмга хом ашё сотиб олса, олдинги машқдаги тўғрилган бухгалтерия баланси қандай ўзгаради? Янги баланси тузинг.

Актив	Маблағ миқдори (сўмда)	Пассив	Маблағ миқдори (сўмда)
Жами:		Жами:	

ФИРМА ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ ДАРСИ ЮЗАСИДАН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Қуйидаги формулаларнинг қайсилари тўғри?

1. $\text{Фойда} = \text{Даромад} - \text{Харажатлар}$
2. $\text{Фойда} = \frac{\text{Рентабеллик}}{\text{Харажатлар}}$
3. $\text{Фойда} = \text{Рентабеллик} - \text{Харажатлар}$
4. $\text{Соф фойда} = \text{фойда} + \text{Солиқлар}$

A) 1 ва 2 B) 1 ва 3 C) ҳаммаси D) 2 ва 4;

2. Рентабеллик нима? Жавоб: _____

5. Тўғриси топинг.

- Амортизация ажратмаси ...
- А) даромаддан
 - В) фойдадан
 - С) соф фойдадан
- чегирилади.

6. «Даромад катта бўлса, рентабеллик ҳам шунчалик юқори бўлади», деган фикр тўғрими? Жавобингизни асосланг.

Жавоб: _____

12-топшириқ

7. Агар жумланинг хатоси бўлса, тўғирланг.

Фирманинг маълум давр давомидаги фаолиятининг рентабеллиги деб, унинг бу даврдаги соф фойда миқдорининг шу даврда сарфланган жами харажатларга нисбатига айтилади.

Жавоб: _____

3. Рентабеллик кўрсаткичининг кўтарилиши фирма ишларининг яхшиланшидан далолат беришини асосланг.

Жавоб: _____

4. Қуйидагиларга ўз муносабатингизни билдириг. Тўғрисига «+», нотўғрисига эса «-» ишораларини мос катта кўйинг.

1. Фойда ўзгармасдан харажат ортса, рентабеллик камаяди.
2. Харажат ўзгармасдан фойда камаяса, рентабеллик ортади.
3. Фойда ўзгармасдан харажат камаяса, рентабеллик камаяди.

8. Айтايлик «Оқ сарой» фирмаси бир ойда 260000 сўмлик харажат қилиб, полиэтилен қопчаларда қадоқланган 20000 дона чипс маҳсулоти ишлаб чиқарган бўлсин. Агар бир дона чипс 16 сўмдан сотилган бўлса, фирманинг шу даврдаги рентабеллигини ҳисобланг.

Жавоб: _____

1. Пахта етиштириш соҳасидаги давлатнинг иштирокини баён қилинг.

Жавоб: _____

ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН УРНИ ДАРСИ ЮЗАСИДАН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

3. Қуйидагиларга ўз муносабатингизни билдириг. Тўғриларига «+», нотўғриларига эса «-» ишораларини мос каттакларга кўйинг.

1. Давлат монополияларни қўллаб-қувватлайди.
2. Давлат тадбиркорликни ҳимоя қилади.
3. Аҳолидан солиқ олмайди.
4. Фирмалардан солиқ ундирилади.
5. Ишчи кучини сотади.

5. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиб турувчи куч сифатидаги ўтказадиган тадбирларини сананг.

Жавоб: _____

13-топшириқ

6. Қуйидагиларга ўз муносабатингизни билдириг. Тўғриларига «Т», нотўғриларига эса «Е» ҳарфларини мос каттакларга ёзинг.

1. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат бош ишхотчи ҳисобланади.
2. Давлат тижорат билан шугулланмайди.
3. Давлат сугурта билан шугулланади.
4. Давлат аҳолини ижтимоий ҳимоя қилади.

2. Давлат хизмат таклиф қиладиган соҳаларни сананг.

4. а) Бизда қандай давлат мулклари хусусийлаштирилган?

б) Ҳамма мулклар хусусийлаштирилдимми?

7. Чап томонга давлатнинг фирмалардан, ўнг томонга эса аҳолидан ундирадиган солиқ турларини ёзинг.

СОЛИҚЛАР	
Фирмалардан	Аҳолидан

8. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг чекланганлигини қандай тушунасиз? Ўз фикрингизни баён қилинг.

Жавоб: _____

1. Таърифни тўлдиринг.

Давлат бюджети деб _____

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРСИ ЮЗАСИДАН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

2. Давлат бюджетининг даромад қисми манбаларини сананг.

Жавоб: _____

4. Давлат бюджетининг даромад манбаларидан қайсилари корхоналарга тегишли?

Жавоб: _____

6. Давлат бюджетининг харажат қисмида қандай харажатлар кўзда тутилишини сананг.

Жавоб: _____

14-топшириқ


8. Давлат бюджетининг камомати қандай ёпилади?

Жавоб: _____

3. Қуйидагиларга ўз муносабатингизни билдириг. Тўғрисига «Р», нотўғрисига эса «Е» ҳарфларини мос каттакларга ёзинг.

1. Давлат бюджети ўтган йил учун иқтисодий кўрсаткичи ҳисоботидан иборат бўлади.
2. Давлат корхоналари ҳам солиқ тўлашади.
3. Давлат бюджетининг харажат ва даромад қисмлар ҳар доим ҳам тенг бўлавермайди.
4. Давлат бюджетининг даромад қисми харажат қисмидан кўп бўлса, бундай бюджет камоматли деб аталади.
5. Давлат бюджети одатда бир йилга, ярим йилга, чорак йилга, бир ойга тузилиши мумкин.
6. Тадбиркорлик фойдаси- давлат бюджетининг даромад манбаи.

5. Қуйидаги мамлакат миқёсидаги харажат ва даромадларни бюджетнинг қайси қисмига киритилишини аниқлаб, мос каттакларни тугаштириг.



7. Сизнинг оилангиз давлат бюджетининг даромад қисмига қандай ҳисса кўшиши ва харажат қисмидан қандай фойдаланаётганлигини уйдаги яқинларингиздан сўраб, қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Оиламизнинг давлат бюджетининг даромад қисмига кўшаётган ҳиссаси	Оиламизнинг давлат бюджетининг харажат қисмидан фойдаланаётган томонлари
1. _____	1. _____
2. _____	2. _____
3. _____	3. _____
4. _____	4. _____

9. Жумлани тўлдиринг.

Давлат бюджетини тузишдан

1. _____
 2. _____
 3. _____
 4. _____
 5. _____
- мақсадлар кўзда тутилади.

SZYAN SZEMIN LOTIN AMERIKASIDA

Xitoy Respublikasi rahbari Szyan Szeminning Lotin Amerikasi davlatlari bo'ylab 12 kunlik tashrifi davom etmoqda. Szyan Szemin birinchi bo'lib Argentinaga tashrif buyurdi. Bu yerda u Xitoyning Argentina bilan faol hamkorlik qilishi to'g'risida bir qancha hujjatlarni imzoladi. Szyan Szeminning Lotin Amerikasiga tashrifidan asosiy maqsad bu hududdagi rivojlangan davlatlar, xususan, Braziliya, Argentina, Chili, Peru, Kolumbiya, Ekvador, Boliviya, Urugvay, Venesuela, Paragvay va Kosta-Rikalar bilan savdo-sotiq, tijorat, qishloq xo'jaligi sohalaridagi hamkorlikni mustahkamlashdir.

YEVROPA ITTIFOQI SARI...

luksemburgda yuvropa Ittifoqi tashkiloti va Makedoniya rahbarlarining uchrashuvi bo'lib o'tdi. yuvropa Ittifoqining Makedoniyaga qo'ygan iqtisodiy va siyosiy talablarning bajarilishi va Makedoniyaning hududiy xavfsizligini ta'minlash hamda yuvropa Ittifoqidagi o'rnini mustahkamlash kabi muhim masalalar uchrashuvning asosiy mavzulari bo'ldi. Agar Makedoniya yuvropa Ittifoqi qo'ygan iqtisodiy va siyosiy talablarni yuz foiz bajarsa, bu uning yuvropa Ittifoqi sari qo'ygan birinchi dadil qadami bo'ladi.

DUNYO DARCHASI

PERUDA PREZIDENTLIK SAYLOVLARI

Peruda o'tgan yakshanba kuni prezidentlik saylovi bo'lib o'tdi. Saylovlarda uch nomzod - Toledo, Garsiya va Floreslar qatnashishdi. Saylovlarning birinchi bosqichidan so'ng, hozircha Toledo nisbatan ko'p ovozga ega bo'lib turibdi.

DALAY LAMA XITOIY TAYPEYIDA

Tibetning mashhur yo'l boshchilaridan biri Dalay Lama Xitoy Taypeyiga tashrif buyurdi. Tashrif 10 kun davom etadi. Xitoy hukumati Dalay Lamaning tashrifidan norozi bo'lib, uni Xitoyga qarshi nizoga intilayotganlikda ayblamoqda.

NYU-YORKDAGI ARABLAR...

Isroilda yahudiylarning muqaddas bayrami munosabati bilan Falastin rahbari Yosir Arofat Isroil bosh vaziri Ariel Sharonga tabriknoma yubordi.

Ayni vaqtda Xevron shahrida falastinliklar va Isroil askarlari o'rtasida dahshatli to'qnashuvlar hamon davom etmoqda.

Shu sababdan Nyu-Yorkda yashovchi minglab falastinliklar Isroilga qarshi namoyish o'tkazmoqdalar.

ARGENTINADA NOROZILIK

Ayni vaqtda Argentinada minglab mamlakat fuqarolari ko'chalarda iqtisodiyotning globallashuviga qarshi norozilik namoyishlarini o'tkazmoqdalar. YAqin kunlarda xalqaro erkin savdo uyushmasining Argentinadagi yig'ilishi bo'lib o'tishi kerak. Erkin savdo uyushmasining rejasiga ko'ra, Chilidan to Kanadagacha bo'lgan davlatlarda erkin savdo hududini yaratish zarur. Ya'ni, bu hududlarda ham iqtisodiyotning globallashuvi ro'y berishi lozim. Argentinaliklar aynan mana shu yig'ilish va globallashuvga qarshi namoyish o'tkazmoqdalar.

Shohruh KARIMBEKOV tayyorladi.

TOG'LI QORABOG' KIMNIKI?

AQShda Ozarbayjon prezidenti Hayder Aliyev va Armaniston prezidenti Robert Kocheryanning Tog'li Qorabog' muammosini hal etish bo'yicha muzokaralarining navbatdagi bosqichi bo'lib o'tdi. Ushbu muzokara AQSH hukumati vositachiligida o'tkazilgan. Muzokaralarda qanday kelishuvlarga erishilgani, qanday shartnomalar imzolangan va natijalari hozircha ommaviy axborot vositalariga tarqatilmayapti. Faqat shunisi ma'lumki, muzokaralar oldindan kutilganidek samarali yakunlanmagan.

(Boshi o'tgan sonda)
MUDARRISLAR XAYOLI

Shayx Shamsiddin bolalikdagi do'sti va jangovar safdoshi bo'lgan Amir Tarag'ay o'g'li bilan huzuriga kelganini eshitib, uning istiqboliga peshvoz chiqdi. Bashoratgo'y sifatida dovruq qozongan shayx Shamsiddin Kulol muridlari bilan qabriston oldidagi baland tepalikda joylashgan hujrada yashar edi. U bolani tizzasiga o'tqazdi. Kuf-suflab boshidan don sochdi, tuproq olib yuz-ko'ziga surtdi. Keyin o'zicha nimalarnidir pichirlab, yuziga fотиha tortdi. Ziyoratchilar ko'z o'ngida u bolaga uzoq umr va baxt tiladi. Qur'on sahifalarini ochib, birdan «Temur» deya xitob qildi. Bolaga ana shu ismni qo'yishdi. Shundan so'ng uni maktabga berishdi. Temurdagi o'tkir xotira va o'qishga ishtiyoq uni birinchi o'quvchilar qatoriga qo'ydi. Qur'oni karimni yoddan o'qib barchani hayratga soldi. Madrasaga kirganida ham u birinchi mullavachchalar safidan joy oldi. Mudarrislar uni kelgusida zo'r shayx, alloma yo shayxulislom bo'lishini karomat qilishdi. Ammo Temur madrasani bitirib, qo'rg'onchasi ota makoniga qaytdi. U o'z kelajagini qalam va kitobda emas, balki qilichda ko'rdi.

USTOZ FATVOSI

Amir Tarag'ay o'g'li mudarrislar o'ylaganidek olim yo ulamo emas, balki bahodir sifatida kelajagini qilichga bag'ishlaganidan benihoya xursand. Temur alloma emas, jahongir bo'ladi. U mannuniyat ila unga o'zining barcha mol-mulkini machitdagi jamoa oldida unga topshirishni e'lon qildi. Temur hayotidagi birinchi qadamini o'ziga ma'naviy ustozni tanlashdan boshladi. U Taybodlik shayx Zayniddin Abubakrga qo'l berdi.

-Umrin oxirigacha pirim bo'ling, dedi u taqvodor shayxga, - taxtda bo'lganmi yo zindonda, boshimga nima tushsa ham doimo marhamatingizni darig' tutmang.

- Adolatli bo'l. Zotan kuch adolatda!
- Xuddi shu mening shiorim bo'ladi, hazratim. Shayx Zayniddin iltifot ila uning so'zlarini tingladi.
- Bog'ini yechib unga



YETTI IQLIM HUKMDORI

bog'ladi. Boshidagi taqsiyasini ham kiygazdi. Keyin qo'lidaga uzugini unga tuhfa qildi. Bu uzukda «Rosti va ro'sti», ya'ni «haqiqat va adolat» so'zlari o'yib yozilgan edi. Oradan ancha yillar o'tgach, ana shu uzukdagi so'zlarga Temur nomi va uch doira qo'shiladi. Bu muhr o'yilgan nishonlar oldida dongdor va qudratli hukmdorlar ham bo'yin egishlarini o'shanda shayxdan bo'lak kim ham bilgan edi?

ZIYORAT

Temur ulug' ishga - yurtini mo'g'ullar zulmidan xalos etishga bel bog'lab, Movorounnaxrda martabasi baland Amir Said Kulolning oq fotihasini olishga qaror qildi. U bir necha qo'yni yetaklab yo'lga tushdi. Oqshom cho'kkan mahal birdan jala quydi. Temur qo'ylarni tashlab qishloqqa chopdi. Tong mahal quyosh chiqqanda u shayx manzili tomon otlandi. Yo'lga chiqqanda esa kecha tashlab ketgan qo'ylari mozor atrofida o'tlab yurganiga ko'zi tushdi. Bu xayrli nishona ekanidan mamnun bo'lib, Amir Said Kulol huzuriga oshiqdi.

Salom-alikdan so'ng, shayx Qur'on tilovat qildi. Temur unga murojaat qildi.

-Dushman qudratli bo'lganda ne qilish lozim?

-Bosh egish lozim, bo'tam. Zulmni yengmoq uchun kuch to'plash lozim.

-Bordi-yu dushman qo'li baland kelsa-yu, joning xatarda qolsa-chi?

- Qochmoq darkor. Bu yengilish

Hamdam SODIQOV

degani emas. Amir Said Kulol dasturxonadan yetti kulchani sanab, ustiga bir siqim tolqon va mayiz qo'yib, unga uzatdi. Yetti kulcha - bu yetti iqlim, tolqon esa unib o'suvchi avlod, mayizlar esa davlat, toju-taxt belgisi edi.

ITTIFOQCHILAR

Temur Turkistonga - avliyo hazrat hoja Ahmad Yassaviy qabrini ziyorat qildi.

- Qorong'u tunni charog'on, cho'lni bo'ston aylovchi hazrat, - deya u nola qildi, - mushkulimni oson qil, madad ber menga, madad!

U shunday deya uni kuzatib turgan qalandarlariga qarab xitob qildi.

-Duo qiling meni, qalanda darveshlar! Agar ishim o'ngidan kelib, davlat qushi boshimga qo'nsa, sizlarga boy vaqf in'om eturman.

- Inshoollo, inshoollo! - hayqirdi qalandarlar. Temur atrofida parvona bo'lyotgan bu darveshu qalandarlar uning ko'zlagan buyuk maqsadini amalga oshirishda sodiq ittifoqchilar bo'lishi mumkinligini o'yladi. Shu sag'ona atrofida muqim yashovchi qalandarlar va joydan-joyga ko'chib yuruvchi darveshlar Bahovuddin Naqshbandiy tashkil etgan tariqatga birlashgan katta kuch edi. Ular uchun barcha shahar darvozalari, qalanda darveshlar ajoyib darakchi, ayg'oqchi, targ'ibotchi va xalq kayfiyati hamda ruhining tashviqotchisi-tashkilotchisi bo'lardilar. - Qasamyod qilib aytamanki, - dedi Tantana ila Temur, - agar duolaringiz qabul bo'lib martabam baland bo'lsa, jangujadallarda qanday o'ljalalar olsam, shayxlar va barcha ulamo ahliidan hech qachon marhamatimni darig' tutmayman. Sizlarga janob qalandarlar, birinchi o'ljam hisobiga katta qalandarxona qurib berurman.

- Farishta omin desin. Ollohu akbar!

Hamma barobar fotihaga qo'l ko'tardi. Temur bu qasamyodiga umrbod sodiq qoldi. Tez orada darveshu-qalandarlar bu yigitning so'zi va ishi bir ekanining guvohi bo'lishdi.

Naqshbandiyalar tariqati Temurning sodiq ittifoqchisiga aylandi.

(Davomi bor)

Dukqat - tanlov!

"ОРЗУЛАРИМ ПАРВОЗДА МЕНИНГ"

Болажонлар, орангизда мусаффо осмонимиз бўйлаб виқор билан учиб ўтган «пўлат қанот»ларга ҳавасланиб қарамаган бўлмаса керак. Ахир йилдан-йил ривожланиб бораётган «ҳаво йўлларимиз» орқали дунёни томоша қилишга нима етсин?!

Лекин ҳеч қизиқиб кўрмаганмисиз, ҳозирги кунларда дунёнинг тўрт томони-га парвоз қилаётган авиакомпаниямиз тарихи қандай? Ўзбек учувчилари, илк студияда ўзбек қизларидан кимларни биласиз? Ўзингиз яшаётган шаҳар, вилоят, туман, қишлоқ, маҳалларда ҳаёти авиацияга боғлиқ ўтган одамлар борми? Бўлса, улар ҳақида нималар биласиз?

Истиқлолимиз билан тенгдош «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниямиз ҳозирда қайси-қайси шаҳарлар билан тўғридан-тўғри қатновларни йўлга қўйган?

Мана шундай саволларга жавоб тариқасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Республика авиациондлар касба уюшмаси марказий кўмитаси, Ўзбекистон радиоси «Маърифат» бош муҳарририяси, Республика халқ таълими вазирлиги ва «Тонг юлдузи» газетаси ҳамкорлигида республика мактаб ўқувчилари ўртасида «ОРЗУЛАРИМ ПАРВОЗДА МЕНИНГ» иншоолар танловини эълон қилади. Ушбу танлов икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич шу йилнинг март ойидан бошланиб, август ойининг учинчи якшанбасида фолиблар эълон қилинади. Биринчи босқичга юборилаётган иншоолар 30 июлдан кечикмаслиги шарт!

Иккинчи босқич эса шу йилнинг сентябр ойидан 2002 йилнинг январига қадар давом этади ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг 10 йиллик тўй арафасида якунланади. Иншога илова сифатида юборилаётган мавзуга доир сурат, шеърларга ҳам қўшимча баҳо қўйилади.

Азиз болажонлар, мазмунан бой, аниқ далилларга асосланган, хуснихат ила битилган иншоларингизни кутиб қоламиз.

Эслатиб ўтамиз, фолибларимизни ажойиб совғалар кутмоқда, у ҳозирча сир! Ташкилотчиларни диплом ва «Фахрий ёрлиқлар» кутмоқда. Иншоларингизни кутамиз!

ИЗЛАНИНГ! ИНТИЛИНГ ВА ФОЛИБ БЎЛИНГ!

Хатларингизни Тошкент, Хоразм кўчаси 49-уй, Ўзбекистон радиоси «Маърифат» бош муҳарририясининг «КЕЛАЖАК ТОНГИ» ва «ЎСМИР» эшиттиришлари-га, ёки Тошкент, Навоий кўчаси -30 уй, «Тонг юлдузи» муҳарририяга йўллашингиз мумкин.

ЎЗТБ БОШ ДИРЕКЦИЯСИ "ХАТЛАР, ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ТАҲЛИЛ БЎЛИМИ", ХОДИМЛАРИНИНГ "БОЛАЛАР" БОШ МУҲАРРИРИЯТИ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА ЎТКАЗТАН ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Сўровнома айна кунда мактаб ва боғчаларда лотин алифбосида машгулотлар ўтилатгани боис лотин ҳамда кирилл ҳарфларида тайёрланиб, мактаблар, боғчаларда таълим-тарбия олаётган болалар, улар билан ишлайдиган мутахассислар, ота-оналарнинг қимматли таклиф, фикр-мулоҳазаларини ўрганиш асосий мақсад этиб олинган эди. Бу гал ёш болалар билан ишлангани учун тарқатилган 500 дана сўровноманинг 485 тасидан фойдаланишга тўғри келди, 15 донаси "брак" бўлди.

Сўровноманинг дастлабки - "Сиз "Болалар" бош муҳарририяти томонидан тайёрланиб, "Ўзбекистон" телеканали орқали кўрсатилаётган қайси кўрсатувларини биласиз?" деган саволига жавоблар куйидагича:

1. "Олтин тоғ" -420
2. "Оқшом эртаклари" -294
3. "Мўъжизалар майдончаси" -258
4. "Бешбармоқ" -225
5. "Кўзмунчоқ" -154
6. "Ҳа, ҳа, ҳа" -145
7. "Қувноқ шаҳарча" -105
8. "Болалигим пошхолигим" -100
9. "Дано бобо даврасида" -88
10. "Жажжи гўзал" -84
11. "Нурли келажак" -71
12. "Ўйла, изла, топ" -66
13. "Камалак" -52
14. "Ҳикматлар хазинаси" -46
15. "Кўшигим, жон кўшигим" -28
16. "Миттивойлар оиласи" -26
17. "Санъат гунчалари" -24
18. "Шоирлар - болаларга" -19
19. "Гулгунчалар" -17
20. "Соғломжон-полвожон" -16
21. "Умид учқунлари" -14
22. "Қувноқ стартлар" -11
23. "Бинафша" -9

Такрор бўлса-да, яна таъкидламоқчимизки, ушбу рақамлар 485 респондентнинг жавоблари асосида келиб чиқди.

"Ушбу кўрсатувларнинг қайси бирини доимий кўриб борасиз?" - деган 2-саволимизга берилган жавоблар куйидагича:

1. "Олтин тоғ" -216
2. "Мўъжизалар майдончаси" -138
3. "Оқшом эртаклари" -124
4. "Дано бобо даврасида" -24
5. "Камалак" -23
6. "Ҳа, ҳа, ҳа" -17
7. "Бешбармоқ" -16
8. "Жажжи гўзал" -13
9. "Қувноқ шаҳарча" -12
10. "Болалигим - пошхолигим" -10
11. "Ўйла, изла, топ" -9
12. "Кўзмунчоқ" -7
13. "Ҳикматлар хазинаси" -7
14. "Миттивойлар оиласи" -6
15. "Кўшигим, жон кўшигим" -5
16. "Умид учқунлари" -3
17. "Соғломжон-полвожон" -3
18. "Қувноқ стартлар" -3
19. "Гулгунчалар" -1

Ушбу савол натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, даставвал болалар ҳам, катта ёшдагилар ҳам мунтазам ёки тез-тез эфирга берилаётган кўрса-

тувларни илиқлик билан қабул қилаётганларига гувоҳ бўлдик. Аммо, респондентларнинг озгача суҳбатларидан маълум бўлишича, айна кунда эфирга чиқаётган ёш бошловчиларни шу ерда ишловчи ходимларнинг фарзандлари деб ўйлашлари маълум бўлди. "Чунки, - дейишди респондентлар, - ёш бошловчилар орасида гапни эплаб гапира олмайдиган болалар учраб қолаётгани бизни шундай хулоса чиқаришга олиб келаяпти. Қолаверса, ўша ерда ишловчи ходимлардан ҳам эшитиб қоламиз". Бунинг ўрнига ҳақиқий истеъдодли болаларни ва қизларни кўрсатувларга таклиф этишни таъкидлашди. Бу албатта, томошабин фикри.

3-саволимиз ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлаётгандай.

Ана холос!

СИЗГА ҚАЙСИ КЎРСАТУВЛАР ЁҚАДИ?



"Машҳур" актёрлар ҳам бу гал ўз ўринларини муносиб эгаллай олмаганларидан хулоса шуки, улар қатнашадиган кўрсатувлар сценарийсини пухталаштириш, режиссурасини ҳам тамоман ёки анча-мунча яхшилаш зарур.

ни, бошқаларнинг фақатгина фамилияларини ёзиб қўя қолишган. Қолаверса, сўровнома фақат Тошкент шаҳрига тарқатилгани учун ҳам, холисона ва ишончли хулосалар чиқаришга халақит бергандай. "Кўрсатувларнинг эфир вақти Сизларга маъқулми?" - дей-

«YOSHLAR OVOZI» KO'RSATUVIGA TAKLIF

Agar kimdir mendan senga qaysi telekanal ko'proq yoqadi, deb so'raganda, men albatta, «Yoshlar telekanali» deya javob bergan bo'lardim. Albatta, barcha telekanallar ham o'ziga xos. Lekin, men yosh bo'lganim uchunmi, ko'proq «yoshlar» telekanalini xush ko'raman. Ayniqsa, bu telekanaldagi ko'rsatuvlar menda ajoyib taassurotlar uyg'otadi. Shunday ko'rsatuvlardan biri har kuni ekran orqali namoyish etiladigan «yoshlar ovozi» ko'rsatuvidir. Men bu ko'rsatuvni muntazam ravishda ko'rib boraman. Lekin, men ushbu ko'rsatuvga bir taklif kiritmoqchi edim. Buni siz tanqid yoki qoralash emas, balki «yoshlar ovozining» ashaddiy muxlisasining kichkina bir taklifi deb qabul qilishingizni so'rayman.

Endi esa taklifimga o'tsak. Ushbu «yoshlar ovozi» ko'rsatuvida ko'pincha talabalarning hayoti, fikr va dunyoqarashlari haqida ko'p gapiriladi. Bu albatta yaxshi, chunki talabalar bizning ertangi kunimiz, lekin, shu talabalar haqida axborot berish bilan biryo'la, maktabdagi yuqori sinf o'quvchilari, masalan, 11-sinflarning nima ish bilan band ekanligi, ularning qiziqishlari, bo'lajak talabalar o'qishga kirishga qanday tayyorgarlik ko'rishayotganligi haqida ham so'z borsa, juda yaxshi bo'lardi. Bu taklifim inobatga olinsa, ko'rsatuvning muxlisarlari yanada ko'payib boradi, deb o'ylayman.

Nargiza BILOLOVA,
Toshkent shahar, Yunusobod tumanidagi
97-maktabning 11-sinf o'quvchisi.

3-саволимиз куйидагича эди. "Қайси кўрсатувнинг олиб борувчиси Сизга ёқади?"

Натижалар куйидагича бўлди:

1. Дилоод Каттабеков -171
2. Наргиза Аҳмедова -61
3. Райҳон -51
4. Рамзиддин ака -48
5. Юлдуз -30
6. Хайрулла Саъдиев -18
7. Муҳаммаджон Шокиров -15
8. Шермат Ёрматов -10
9. Файзулла Аҳмедов -10
10. Саодат -6
11. Марҳабо -5
12. Муборак -4
13. Гулҳаё -4
14. Омонулла Маъдаев -3
15. Суръат Пулатов -2
16. Лутфулла Содиқов -2
17. Гулчехра Саъдуллаева -1
18. Алимова -1

Респондентларнинг асосий қисми болалар ва улар билан ишловчи мутахассислар бўлгани учун бу саволимизга берилган жавоблар стандарт жавоблардан узокроқ бўлгани кўри-ниб турибди, яъни бошловчиларнинг исми-

илган 4-саволимизга болалар жавоб беришда анча-мунча иккиландилар. Аммо, 70 фоиздан кўпроқ сўралганлар (респондентлар) кўрсатувларнинг кечқурун берилишининг тарафдори эканлиги маълум бўлди. 30 фоиздан камроқ респондентлар эса турлича фикрга эга эканини билдирдилар.

1. Болалар билан ишловчи мутахассислар ҳаётгий воқеа - ҳодисаларни ўзида акс эттирувчи, турли спорт беллашувлари, бадиий, видео, ҳужжатли фильмлар орқали экранга жалб этишни таклиф этдилар. Респондентлар билан бўлган суҳбатларда қуруқ панд-насихат эмас, яратувчанлик кайфиятида яшаётган ёшлар ҳаёти ҳақида ҳаётгий кўрсатувлар берилиши мақсадга мувофиқ эканини билдирдилар. Яна бир гап: "Оқшом эртаклари" кўрсатувининг эфирга берилиши хусусида ҳам анча жиддий эътирозлар бўлди. Кўрсатувнинг ҳар доим ҳам ўз вақтида чиқмаслиги, мазмунсиз узиб ташлашлар, томошабин гашига тегадиган рекламаларнинг такрорланаверишидан норози эканликларини истихоласиз билдирдилар. Ана шундагина бизнинг телевидениемиз ўз томошабинлари олдида мавқеини ҳозирлагидан-да мустақамлаган, ўзига бўлган ҳурматни яна оширган бўлур эди, деган фикрларни изҳор этдилар.

Бу галги респондентларимиз асосан ёш телетомошабинлар бўлгани учун кўпроқ мультфильмлар таржима қилинишини, янги-янги мультфильмлар эфирга берилишини илтимос қилдилар.

Хўш, "Тонг юлдузи" ўқувчиларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари қандай экан?

Фикрларингизни ёзиб юборинг.

Эгамберди МУСАЕВ,
Ўзбекистон телевидениеси
Хатлар, ижтимоий тадқиқот ва таҳлил бўлими бошлиғи



MADINABONU

Guldek isming bor bo'lsin, Baxtlar Senga yor bo'lsin. Yo'lingda quyosh kulib, Ko'nglingda - bahor bo'lsin. Seni suyub, erkalab, Sumbul soching o'rsinlar. YAqinlaring doimo, Kamolingni ko'rsinlar. Umrimiz chaman, bog'i, Quvonchimiz bir jahon. Gulbahor qizalog'i - Baxtli bo'l, Madinaxon!

O'zbekiston bolalari
va o'smirlarining
gazetasi

Muassislar:
O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
DAVLAT MATBUOT
QO'MITASI,
O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI,
«SOG'LOM AVLOD
UCHUN» XAYRIYA
JAMG'ARMASI

BOSH MUHARRIR:
Umida ABDUAZIMOVA
TAHRIR HAY'ATI:
Shuhrat AHMEDOV,
Jamoliddin FOZILOV,
Oynisa
MUSURMONOVA,
Kamil YUSUPOV,
Mukarrama
MURODOVA,
Sunnatilla QO'ZIYEV,
Ergashvoy SARIQOV.

Noshir
«Ijod dunyosi»
nashriyot uyi

Gazeta «Ijod dunyosi»
nashriyot uyi kompyuter
bo'limida terib
sahifalandi.
Hajmi A-3, 2 bosma
taboq.

«Sharq» nashriyot-
matbaa aksiyadorlik
kompaniyasida 58.519
nuxxada ofset usulida
bosildi.

Korxonalar manzili:
«Buyuk Turon»
ko'chasi, 41.
Buyurtma № Г-2392
Gazetani
Muhabnat
MAHSUDOVA
sahifalandi.
Navbatchi:
Muharrama
PIRMATOVA

Ro'yxatdan o'tish
tartibi № 000137
Manzilimiz 700129,
Toshkent shahri,
Navoiy ko'chasi,
30-uy.

Tel: 144-62-34.
144-63-08